*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 41 (6931). ● 1 март 1979 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Турсунмурод Рустамовнинг касби созловчи. У пойтахтимиздаги подшипниклар ремонти заводида ишлайди. Кекса ишчи ўз касбига садоқат туфайли коллектив ҳурматини қозонган. Ойлик топшириқларни доимо бир ярим баравар қилиб адо этади. Шу туфайли бешйиллик маррани 3,5 йилда эгаллаш учун интилмоқда. Суратда: тажрибали созловчи Т. Рустамовни меҳнат жараёнида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.



# БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистон КП область комитети қайд қиладики, сўнгги йилларда областимиздаги балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда балиқ овлаш сезиларли даражада кўпайди. Ўнинчи беш йиллик даврида планга қўшимча 1,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди, ҳар гектар ҳавзанинг маҳсулдорлиги эса 30 центнергача ошди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1978 йил планларини муваффақиятли бажариш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақа якунига кўра «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Бу бирлашма, шунингдек, «Дамачи» балиқ хўжалигининг илғор звенолари КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) пленуми қарорларига жавобан социалистик мусобақани ижодий ривожлантира бориб, ўз имкониятларини яна қайта кўриб чиқиб, балиқ етиштиришни сезиларли даражада кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети «Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиқлари В. И. Жувагин, Н. Абдуллин, А. Калиев, М. Бойбеков, «Дамачи» балиқ хўжалиги звено бошлиқлари Х. Анваров, И. Усмоновларнинг балиқ етиштиришни сезиларли даражада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ташаббуслари ва мурожаатларини маъқуллади. (Мурожаат эълон қилинмоқда).

Ғалаба, Калинин, Янгийўл, Бўстонлиқ районлари партия комитетларига, область озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи комитетига, область комсомол комитетига, бошланғич партия ташкилотларига, хўжаликларнинг раҳбарларига бу қимматли ташаббусни кенг ёйиш, ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларни 1979 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мусобақани ҳар томонлама кенг қулоч ёйдиришга қаратиш вазифаси топширилди.

Область балиқчилик хўжаликларининг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларига ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун балиқчиларга, балиқ хўжаликларининг ҳамма ходимларига қулай иш ва маиший шароитлар яратиб бериш топширилди.

Область газеталари редакцияларига, область телевидение ва радиоэшиттириш бош редакцияларига балиқчиликни ривожлантириш, маҳсулдорликни ва балиқ овлашни кўпайтириш борасида юксак натижаларга эришаётган ишлаб чиқариш новаторлари ва илғор звеноларнинг тажрибасини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилди.

## ИЛҒОР БАЛИҚЧИЛИК ЗВЕНОЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

# М У Р О Ж А А Т И

ҚАДРЛИ ўртоқлар!

Жонажон Коммунистик партиямиз XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган меҳнат коллективлари ўнинчи беш йилликда совет халқлари турмуш фаровонлигини оширишдек умумий топшириқнинг бажарилишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган бошқа тармоқлар қаторн балиқчилик хўжалиги ҳам жадал ривожланиш йўлидан бормоқда. Сўнгги йилларда бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди.

Бироқ, ҳозирги эришилган даража аҳолининг балиқ маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўзининг «Мамлакатнинг чучук сув ҳавзаларида балиқчиликни янада ривожлантириш ва балиқ овлашни янада кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида балиқчилар олдига улкан вазифалар қўйди. Фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилиши лозим. 1985 йилга борнб эса, ҳавзаларда балиқ овлаш 1977 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайиши зарур.

Қадрли ўртоқлар!

Бу масъулиятли давлат топшириғининг бажарилиши бизга, бизнинг маҳоратимиз ва уюшқоқлигимизга боғлиқдир. Ахир, ҳали фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларимиз оз эмас. Бу резерв ва имкониятларни излаб топиш ва ишга тушириш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз, ҳар бир балиқчининг виждон ишидир.

Партия ва ҳукуматимиз бизни балиқчилик хўжалигини интенсив ривожлантиришга даъват этаётир. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: «Озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун маҳаллий сув ҳавзаларидан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига балиқ етиштириш билан янада конкрет шуғулланиш керак бўлади. Бунинг имкониятлари амалда беқиёсдир».

Бу кўрсатмага жавобан биз сизларга, қадрли ўртоқлар, мурожаат этамиз ва балиқчиликни ривожлантириш, балиқ маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун кенг кўламда ва бир маромда кураш олиб боришга чақирамиз.

Биз ўз ишимизда фан ва техника, илғор технология, янги иш методларини кенг қўллашимиз зарур. Чунки, бу омиллар тармоқни интенсив ривожлантиришдаги бош йўналишдир.

Балиқ етиштиришда илғор технологияни қўллаш бизга маҳсулдорликни сезиларли даражада ошириш имконини берди. Беш йилликнинг ўтган уч йилмобайнида ҳар гектар сув ҳавзасидан ўртача 52 центнердан балиқ овладик. Ҳозирги кунда биз 1980 йил ҳисобига меҳнат қилаётирмиз. Ҳозир бизнинг тажрибамиз кўпгина хўжаликларда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Кадрлар ўз ишини пухта биладиган ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ўсиб бораверади. Биз тармоқдаги ёш ишчиларни ўз оталиғимизга олиб, улардан юксак малакали мутахассислар тарбиялаб етиштиришимиз керак. Ҳар биримиз мураббийлик ҳаракатида актив иштирок этишимиз, бу ҳаракатни янада ривожлантиришимиз ва шу йўл билан ўзимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлашимиз зарур.

Биз ҳаммамиз социалистик мусобақанинг таъсирчан ва яратувчан кучга эга эканлигини биламиз. Шунинг учун ўзимизнинг соҳада муваффақиятля қўллаш мумкин бўлган мусобақанинг янги форма ва методларини ишлаб чиқишимиз лозим. Бу эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада кўпайтириш имконини беради.

Биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига жавобан 1979—1980 йиллар учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдик ва айни кунларда уни сўзсиз бажариш учун ишламоқдамиз. Биз ишлаётган звеноларнинг умумий сув ҳавзаси 331 гектар. Мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, 1979 йилда балиқ овлашни 10,9 минг центнерга, 1980 йилга борнб эса 20 минг центнерга етказиш, беш йиллик топшириғнини 1979 йилда бажариш ва давлатга пландан ташқари 25 минг центнер балиқ етказиб беришга қарор қилдик.

Биз савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ходимларига мурожаат қиламиз: совет кишиларини ўзимизнинг қўлдан чиққан мазали ва турли-туман балиқ маҳсулотлари билан тўла таъминлашга эришайлик!

Қадрли ўртоқлар!

Биз сизларни беш йиллик топшириғини ортиғи билан бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга, совет кишиларига кўпроқ юқори сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб беришга чақирамиз. Бу жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларига муносиб жавобимиз бўлади.

Н. АБДУЛЛИН,
М. БОЙБЕКОВ,
В. ЖУВАГИН,
А. КАЛИЕВ,
«Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиқлари.

Х. АНВАРОВ,
И. УСМОНОВ,
«Дамачи» балиқчилик хўжалиги звено бошлиқлари.



**Нигматулла АБДУЛЛИН,**
**«Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими.**



**Муҳамеджо БОЙБЕКОВ,**
**«Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиғи.**




**Василий Иванович ЖУВАГИН,**
**«Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиғи, меҳнат ветерани.**



**Анвар КАЛИЕВ,**
**«Балиқчи» тажриба-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси звено бошлиғи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.**



**Ҳамид АНВАРОВ,**
**«Дамачи» балиқ хўжалиги звено бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими.**



**Ислом УСМОНОВ,**
**«Дамачи» балиқ хўжалиги звено бошлиғи.**

— Ўзбекистонда ўн йилдан бери балиқчилик звеносини бошқариб келаётирман. Бу давр ичида коллективимиз балиқ етиштиришда бой тажриба тўплади. Сув ҳавзаларимиз кенгайиб, маҳсулдорлиги ошди.

Ўтган йили биз 1221 центнер балиқ овлаб, реализация қилдик. Бу мўлжалланганидан қариб 1,5 баравар кўпдир. Планни юксак маҳсулдорлик ҳисобига ошириб бажардик.

Бироқ, бизда балиқ етиштиришни янада кўпайтириш имконини берувчи резервлар оз эмас. КПСС Марказий Комитетининг июль, ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларига жавобан бу йил маҳсулдорликни 60 центнерга етказиш ва 30 гектар сув ҳавзасидан йил давомида 1805 центнер балиқ овлаш мажбуриятини олдик.

Звеномиз аъзолари 1979 йил учун олган социалистик мажбуриятларини ёруғ юз билан бажариб, партия ва ҳукуматимиз қарорига амалий жавоб берадилар.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-32»:

## СТАНЦИЯ КОНСЕРВАЦИЯ ҲОЛАТИДАН ЧИҚАЗИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ 28 февраль. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин «Салют-6» станциясини консервация ҳолатидан чиқаришни давом қилдирмоқдалар.

28 февралдан бошлаб «Салют-6» — «Союз-32» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи учун доимий иш режими белгиланди. Орбитадаги иш куни Москва вақти билан соат 8 дан 23 гача давом қилади.

Бугун космонавтлар уйқудан туришлари биланоқ махсус тароза-массметр ёрдами билан тана массасини ўлчадилар. Учиш жараёнида космонавтлар вазнининг ўзгаришини ўрганиш мақсадида шу текширишлар бажарилди.

Сўнгра экипаж кун программасига мувофиқ станция ичидаги системалар ва аппаратларни, жумладан ҳароратни созлаш системасини, сувни регенерация қилиш системасини, вентиляция системаси ва бошқа системаларни консервация ҳолатидан чиқазиш ишларини бажаришни давом қилдирди.

Кеча станция ичида баъзи бир ўсимлик ва тирик тўқима ўсишига вазнсизлик шароитининг таъсирини ўрганишга бағишланган биологик экспериментлар бошланди. Биологик объектлар «Союз-32» кемасида орбитага келтирилганди.

Телеметрик информация маълумотларн ва экипажнинг докладларига кўра, «Салют-6» — «Союз-32» комплекси ичидаги системаларнинг ҳолати нормада турибди.

Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

## «ЭКРАН» ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВ ЙЎЛДОШИ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, телевизион кўрсатув системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1979 йил 21 февраль куни Совет Иттифоқида «Экран» телевизион кўрсатув йўлдоши учирилди, унинг ичига ўрнатилган ретрансляция аппаратлари марказий телевидение программаларини коллектив бўлиб фойдаланиладиган қабул қурилмалари тармоғига тўлқинларнинг дециметр диапазонида юбориб туришни таъминлайди.

1979 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган даврда ўтказилган тўғрилаш ишларидан кейин «Экран» йўлдоши деярли ўзгармас доирасимон орбитага чиқарилди. Унинг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан олислиги — 35.780 километр.

— Ер атрофида айланиш даври — 23 соату 56 минут.

— Орбитанинг оғиши — 0,35 градус.

«Экран» йўлдошига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Йўлдошни команда-ўлчов комплекси бошқармоқда.

«Экран» йўлдошининг «Стационар-Т» деган халқаро рўйхат индекси бор.

# ҚИШЛОҚҚА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Область шаҳарлари саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва бошқа ташкилотлар коллективлари 1978 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, область колхоз ва совхозларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш борасида оталиқ ёрдами кўрсатишда маълум ишларни амалга оширдилар.

Оталиқ ёрдами кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар коллективлари қишлоқ меҳнаткашларига чорвачилик фермалари ҳамда ёз ойларида чорва молларни боқиладиган майдонларни ремонт қилишда кўмаклашдилар. Кўкламги экиш пайтида ва пахта йиғим-терими даврида қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилиш ҳамда уларни доим соз ҳолда бўлишини таъминлаш юзасидан ҳам конкрет ёрдам кўрсатилди. 86 та кўчма ремонт автомашинаси ва 240 нафар слесарь-механиклар колхоз-совхозларнинг устахоналарида ва бевосита далаларда меҳнат қилдилар.

Ер ҳайдашни тезлаштириш мақсадида Бўка, Пискент ва Янгийўл районн хўжаликларига 20 та ҳайдов трактори жўнатилди. Техника учун эҳтиёт қисмларни узлуксиз етказиб бериш ва минерал ўғитларни ташиш соҳасида амалий чоралар кўрилди. Шаҳарликлар кучи билан 56 минг тоннадан кўпроқ дағал хашак жамғарилди. Жами 4,3 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажарилди.

Оталиқ ёрдами кўрсатишда Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларининг меҳнат коллективлари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, ва область касаба союзлари Совети ўзлари таъсис этган кўчма Қизил байроқни **Янгийўл шаҳар** корхоналари ва ташкилотлари коллективларида қолдирдилар (шаҳар партия комитетининг секретари В. И. Рибалко, шаҳар ижроия комитетининг раиси А. А. Анорқулов ўртоқлар). Бу корхона ва ташкилотлар коллективлари оталиқ ёрдами беришда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

**Ангрен, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари** корхоналари коллективларининг колхоз-совхозларга яқиндан ёрдам берганликлари қайд қилинди.

Оталиқ ёрдамини намунали уюштириб, актив фаолият кўрсатганликлари учун қуйидаги корхоналарнинг коллективлари область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотландилар:

Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва ўтга чидамли металлар комбинати;

19-техника билим юрти (Чирчиқ шаҳри);

мебель фабрикаси (Янгийўл шаҳри);

2503-автоколонна (Янгийўл шаҳри).

Шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, хўжаликларнинг раҳбарларига КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида область хўжаликларига оталиқ ёрдамини кучайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди.

# КОММУНИЗМ БАЙРОҒИ — БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК БАЙРОҒИ

## Сайловчиларнинг А. П. КИРИЛЕНКО билан учрашуви

27 февралда Свердловск шаҳар Чкалов сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Андрей Павлович Кириленко билан учрашуви партия билан халқ монолит бирлиги (ягналиги белгиси остида ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Уралтяжмаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. М. Макаров А. П. Кириленконинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида гапириб берди ва сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга даъват қилди.

Сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги барча сайловчиларга, гражданларга ҳилган Мурожаатига жавобан уралликлар юксак мақсадларни белгилаб, беш йиллик тўртинчи йили, умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари шараф билан бажаражакларини ҳайдилар.

Йиғилишда сайловчилар номидан самимий қутиб олинган А. П. Кириленко қисқа сўзлади. СССР конституцияси қабул қилинганидан ўнг биринчи ҳозирги сайлов кампанияси, деди у, социалистик демократия янада ривожлантириш ижтимоий сиёсий активлиги ўсаётганлигига яққол мисолдир.

Ҳамма ерлардаги сайлов олди учрашувларида бўлаётгани сингари бизнинг йиғилишимизда ҳам меҳнаткашлар Ленин партиясига, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, депутатликка умумхалқ номзоди Ўртоқ Л. И. Брежневга илиқ сўзларини, меҳру муҳаббат ва миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар. Ленин партиядаги раҳбарнинг юксак сифатларига, ёрқин сиёсий ва ташкилотчилик истеъдодига эга бўлган Ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз ва совет давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Шу сиёсат туфайли коммунистик бунёдкорликда, Совет Иттифоқининг халқаро мавқеларини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Бутун илғор инсоният Ўртоқ Л. И. Брежневни халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, бутун дунёда тинчлик учун оташин курашчи деб билади.

Совет кишилари мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сайловини ўзининг бутун фаолияти билан меҳнаткашларнинг манфаатларига садоқатини исбот этган жонажон партия теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олаётганлигидан ғоят мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Партия билан халқнинг монолит бирлиги ватанимиз қудрати ва енгилмаслигининг ҳал қилувчи омили бўлиб келди, шундай бўлиб қолаверади!

СССР Олий Советига бундан аввалги сайловдан бери ўтган беш йил ичида жамиятимизнинг коммунизм сари ривожи йўлида янги катта қадам қўйилди, деб давом қилди нотиқ. Бу — мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида самара бераётган асосий сиёсий якундир. Социалистик ижтимоий муносабатлар янада етук, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи янада монолит, ССР Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг ҳардошларча дўстлиги янада мустаҳкам бўлиб қолди. Энди ликда совет кишиларининг маънавий ҳаёти янада кўп қиррали, сермазмун ва бой бўлиб қолди.

Коммунистик бунёдкорлик манзарасига фикран назар ташлар экансиз, даставвал ҳўжалик қурилишининг мисли кўрилмаган кўламлари, ривожланган социализм моддий-техника базасининг кенгайганлиги ва такомиллашганлиги зўр таассурот бағишлайди. Шу беш йил ичида халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 323 миллиард сўм кўпайганлигини айтиш кифоя. Ҳали яқиндагина, 1965 йилнинг бошида мамлакатнинг ҳамма асосий ишлаб чиқариш фондлари шунча бўлганлигини айтсак, бу ўсиш нақадар катта эканлиги яққол кўринади. Икки сайлов ўртасидаги даврда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши ҳамда капитал маблағларни ўзлаштириш ғоятда баланд бўлишига эришилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган ҳамда партиянинг шундан кейинги съездлари ва Марказий Комитет Пленумларида ривожлантирилган замонавий аграр сиёсатни амалга ошириш туфайли қишлоқ хўжалигини экономикамизнинг юксак даражада ривож топган секторига айлантириш борасида кўп иш қилинди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мустаҳкам модлий техника базасига суяниб, жиддий муваффақиятларга эришдилар. Оби ҳаво шароитлари бир неча йил қийин келганлигига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ўртача йиллик ҳажми анча кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга қилган Мурожаатида келтирилган фактлар ва рақамлар бизда халқнинг турмуш даражасини вужудга келтирувчи ҳамма соҳаларда тараққиёт бўлиши таъминланаётганлигини яққол кўрсатмоқда, деди нотиқ. Ҳамма категориядаги меҳнаткашларнинг моддий таъминоти ўсаётганлиги ғоятда муҳимдир.

Партиямиз, совет халқи коммунизмни муваффақият билан қураётиб, ўзининг асосий интернационал бурчини шараф билан бажариб келмоқда. Ҳақиқий халқ ҳокимияти, социал адолат, гражданларнинг кенг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаган реал социализмнинг маънавий-сиёсий обрў-эътибори халқларни озодлик ва социал тараққиёт учун курашга руҳлантирмоқда. СССР, бошқа социализм мамлакатлари ўтказаётган конструктив ташқи сиёсат, уларнинг саботли ва изчил куч-ғайратлари туфайли халқаро неоколониализмда кескинликни юмшатиш сари бурилиш ясаш ва уни айниқса Европа қитъасида анча мустаҳкамлаш мумкин бўлди.

Ишонган дўстлари бўлган қаҳрамон Вьетнам халқи Хитой милитаристларига муносиб зарба бермоқда, деб давом этди нотиқ. Социалистик ватанининг озодлиги ва мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилмоқда. Вьетнам халқининг ҳаққоний иши галаба қозонади!

Партиямиз ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош партиялари империализм кучлари ва Хитой милитаристларининг халқаро майдондаги хатарли ҳаракатларидан тегишли хулосалар чиқариб олмоқдалар, албатта. Совет Иттифоқи ва унинг Варшава шартномасига кирган иттифоқдошлари халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун сабот билан қурашиб, ўзларининг мудофаа қобилиятларини тегишли даражада тутишни, юксак даражада сиёсий ҳушёр туришни зарур, деб ҳисоблайдилар.

КПСС жаҳон урушининг олдини олиш мумкин ва олди олдиниши керак, деб қатъий ишонади ҳамда тарихда шу илк бор очилган реал имконият амалга оширилиши учун Совет Иттифоқининг қудратидан, унинг таъсири ва обрў-эътиборидан фойдаланади.

СССР Олий Советига ўтказилажак сайлов коммунистик бунёдкорлик буюк идеалари, партия билан бутун халқ бирлиги тантанасининг яна бир ёрқин намойишига айланиб кетишига шубҳа йўқ.

(ТАСС).



Калинин райони марказидаги 14/148 сайлов участкаси агитпункти ҳамиша гавжум. Агитатор ва пропагандистлар, жумладан Ойбек номли мактаб педагогик коллективи томонидан бу ерда катта тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Суратда: актив фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ агитатор ва пропагандистларни кўриб турибсиз.

А. Абалян фотоси.

# САЙЛОВЧИЛАР ОРАСИДА

СССР Олий Советига сайловлар куни яқинлашиб келмоқда. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари СССР Олий Советига сайловлар нақадар масъулиятли кампания эканлигини ҳисобга олиб, ҳамма жойда сиёсий агитация ишларини кучайтирмоқдалар. Агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи ва пропагандистларимиз агитация ишларининг таъсирчан, самарали бўлишига эришиш учун курашмоқдалар.

Районда 15 агитколлектив ишлаб турибди. Бу агитколлективлар сафида 552 агитатор, 572 сиёсий ташкилотчи, 230 сиёсий ахборотчи бор. Улар партия сўзини оммага етказишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Сайловолди агитация-пропаганда ишларини янада кучайтириш мақсадида 123 кишини агитаторликка қўшимча равишда жалб қилганмиз. Уларнинг барчаси меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб боришда катта тажрибага эга. Ленинча ғояларни кенг пропаганда қилиш, совет демократиясининг афзалликларини, коммунистик партия ва совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини сайловчиларга аниқ тушунтириб бериш — улар фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Районда 29 та сайлов участкаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ўзининг шинам агитпунктларига эга. Агитпунктлар сайловга онд турли хил плакатлар, шиорлар билан безатилган. «Ёш сайловчиларга ёрдам», «Сайловдан-сайловгача», «Қишлоғимиз жамоли» каби стендлар ташкил қилинган. Агитпунктлар тўла телефонлаштирилган, радиолаштирилган, телевизорлар ўрнатилган. Агитаторлар, сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар ўзларининг кундалик ишларини аниқ план асосида олиб боришаяпти.

Барча сайлов участкаларида сайловчилар билан савол-жавоб журналлари очганмиз. Навбатчи агитатор агитпунктда қандай янгиликлар рўй берган бўлса, савол-жавобларни журналга ёзиб қўяди.

Ҳамид Олимжон номли колхоздан Н. Фармонов, «Ленинобод» колхозидан М. Баҳодиров, «Озод» колхозидан Б. Алихонов, Алимкент пахта тозалаш заводидан Н. Бодомхонова, М. Замуриева, «Оққўрғон» совхозидан А. Абдуғафуров, Б. Акиев каби агитаторлар ўзларига берилган партия топшириғини виждонан адо этмоқдалар, зиммаларидаги вазифанинг нақадар масъулиятли эканлигини тўлиқ англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Уларни ўзларига биркитилган участкалардаги хонадонларда яшаётган кишилар жуда ҳурмат қилишади, суҳбатларини мириқиб тинглашади.

Тўрт жойда сайловчилар клублари ишлаб турибди. Аҳолининг турар-жойларида сайловга оид тематик кечалар, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда.

Район агитаторлари, пропагандист, сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилари бутун куч ва билимларини, голявий эътиқод ва ижодий ғайратларини партия сўзини ҳар бир кишининг онгига етказишга, СССР Олий Советига бўлажак сайловни пухта тайёргарлик билан кутиб олишга, меҳнаткашларни КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришга сафарбар этаверадилар.

**А. АЛИБОЕВ,**
**Оққўрғон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.**

# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

БУНДАН роса икки йил аввал баҳор арафасида фабрикага бориб, директор кабинетига кирганимда айни дувончли воқеанинг устидан чиққан эдим: беш-олти киши гатта хона ўртасидаги стол атрофида ўнгиланган, улар толга қўйилган ярим метрга палос-дорожкани дам ушлаб кўриб, дам сийпаб, қизиқиш билан кўздан кечиришмоқда эди. Бу қизиқишнинг сабаби — мана шу бир парча материал — янги бунёд этилган улкан фабриканинг дастлабки метр маҳсулоти эди...

Беш-олти кишининг орасида В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг цех бошлиғи Мирзабек Сидиқовни таниб қолдим. Кўришдик.

— Нечук бу ёқларда юрибсиз? — сўрадим Мирзабек акадан.

— Шунақа бўлиб қолди, — деди у жилмайиб, кейин гапни ҳазилга бурди: — бошга тушганни кўз кўрар экан.

Мен, ийманиб кирганим «нотаниш» директор Мирзабек ака эканлигини бу ердан вазиятдан дарров пайқаб, табриклардим. У яна дастлабки маҳсулот муҳокамасига киришиб кетди.

...Орадан роса икки йил ўтгач ўша кабинетда Мирзабек ака бамайлихотир ўтириб, план ва мажбуриятларнинг оширib бажарилаётгани, коллектив социалистик мусобақада фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани, янги социал-иқтисодий ривожланиш масалаларига ҳам эътибор берила бошланганлиги ҳақида вазминлик билан гапирар экан, беихтиёр ўша ҳувончли ва серташвиш кунларни эслатдим:

— Ўшанда нима қилишни билмай бошингиз қотиб юрганди, мана энди коллектив катта бир ўзанга тушиб олибди...

— Нимасини айтасиз, одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ экан. Гапнинг очиғи, бу лавозимга тайинланганимда жуда чўчиган эдим: «бутун бир корхонага раҳбарлик қилиш... бунинг устига фабрика янги, мутахассислигим бошқа. Қизиқ, янги ишга келганимда «смета» нималигини билмасдим...»

Директорнинг очиқ кўнгиллиги билан айтаётган бу гаплари — унинг фазилати. Мана шу фазилат — билмаганни очиқ тан олиб бировдан ўрганиш, ташкилотчилик ва ташаббускорлик, ўз вазифасига, коллектив ишига жон куйдира билиш туфайли қисқа муддатда янги ишни, янги технологияни ўзлаштириб олди. Янги коллектив кишиларини жипслаштирди. Натижада, мана, қисқа муддатда янги фабрика план ва мажбуриятларини оширib бажариш, давлатга миллионлаб сўмлик иқтисодий фойда келтириш йўлига чиқиб олди.

Корхона коллективи ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида ҳақиқатан зарбдор меҳнат қилди. 1 миллион 68 минг квадрат метр палос ишлаб чиқариб, план 105,3 процент адо этилди. Пландагига қўшимча 582 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди. Шунингдек, маҳсулот сифатини тобора яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада илғор иш усулларини қўллаш, технология жараёнларига қатъий риоя қилиш, уларни мунтазам такомиллаштириб бориш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада икки хил буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Ўтган йили фахрий бешқирра билан ишлаб чиқарилган маҳсулот 1 миллион 88 минг сўмликни ташкил этди. Бу, жами маҳсулотнинг 7—8 процента демакдир.

## МУСОБАҚА ВА САМАРА

Фабрика коллективи юқори кўрсаткичларни қўлга киритганлиги туфайли икки марта шаҳар корхоналари ўртасида голиб чиқиб, Олмалиқ шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, бир марта пойтахт область маҳаллий саноат бошқармасининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналари ўртасидаги меҳнат беллашувида ҳам фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Янги корхонанинг бундай меҳнат муваффақиятлари, албатта, таҳсинга лойиқ. Ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида ишни тўғри ташкил этиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, социалистик мусобақани авж олдириш муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Мавжуд олтита цех ўртасидаги беллашувда Т. Юнусов бошлиқ гилам тўқиш цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бригадалараро социалистик мусобақада мастер ёрдамчилари В. Марченко, М. Турматов, А. Королев, М. Муратов бошлиқ коллективлар олдинги сафда боришяпти. Шунингдек, шахсий мусобақада З. Назарова, А. Носирова, У. Худойқулова каби илғорлар энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритишяпти. Шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олиб ишлаётган бу фидокор ишчиларнинг меҳнат календарида 1980—1981 йиллар бошланган.

Ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи Исмоил Абдуллаев билан цехларни айланиб юрар эканмиз, топ-тоза бетон полни қайта супураётган, сув сепаётган қизлар-ишчилар беихтиёр диққатни жалб этади. Уларнинг мана шу фазилати туфайли барча цехлар файзли хонадон ҳовлисини эслатади: ҳаммаёқ саришта, озода. Бу — саноат эстетикасининг муҳим бир банди. Бу — меҳнат унумдорлиги ошишининг муҳим бир омили.

Фабрика атрофида ҳам худди шундай саранжомлик ва ободончиликнинг гувоҳи бўласиз. Тартиб билан экилган турли дарахт ва гул кўчатлари... Ўтган йили ишчи ва хизматчилар 8 минг туп агингул, 600 туп мевали ва 600 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида шаҳар бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

— Гап биринчи ўринни олганимизда эмас,— дейди директор,— гап фабрикамизни кўриб диламиз равшан тортишида ва мароқли ишлашимизда.

Фабрика ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари учун 320 ўринли пионерлар лагери қурилмоқда, дастлабки турар-жой биносига пойдевор қўйилди, дам олиш зонасини барпо этишга тайёргарлик кетяпти...

— Бундан буён социалмаданий ривожланиш тадбирлари тобора кенгаяверади,— дейди бош инженер Аваз Қўзиев. — бу—замон талаби. Шу билан бирга лойиҳадаги қувватни ўзлаштириш бўйича техникавий-ташкилий тадбирларни ҳам амалга ошира борамиз. Ҳозирча, бизга боғлиқ бўлмаган сабаб-хомашё етишмаслиги туфайли қувватларни ошириш имкони бўлмаяпти. Фабрика тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 3 миллион 590 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу — ҳозиргидан деярли уч баравар кўп демакдир...

Фабрика коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 1 миллион 465 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Ана шу юксак маррани муддатидан илгари забт этиш учун барча цех ва участкаларда фидокорона меҳнат давом этмоқда, коллектив юксалиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.**



**Пойтахтдаги «Компрессор» заводининг маҳсулотлари мамлакатимиз халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Суратда: коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, йиғувчи слесарлар Николай Иванов ва Григорий Курдов иш устида.**

М. Нуриддинов фотоси.

# САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАХТ

КИРОВ районидаги 17-шаҳар клиник шифохонаси қошида жойлашган 13/62 сайлов участкаси СССР Олий Советига бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Шипамгина хонада жойлашган бу агитпунктда сайловга онд ҳар хил плакатлар, навбатчи агитаторларнинг рўйхати, иш планлари, Совет Иттифоқининг Конституцияси, СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни, Совет Иттифоқида сайлов ва унинг ўтказилиш тартиби ҳақидаги плакат, брошюралар қўйилган.

Бахтиёр Рустамович Абдуллаев бошчилик қилаётган бу агитпункт план асосида катта оммавий-сиёсий ишлар қилмоқда. Агитпунктда ҳозирги кунгача Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асари ва халқаро аҳвол тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. «СССР Олий Совети — давлатимизнинг юқори органи» темасида лекциялар уюштирилди.

4 март куни шифохонада даволанаётган 650 беморнинг ҳаммаси Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ва Т. Маклеевалар номзоди учун овоз берадилар. Шифохонадаги беморлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда агитаторлардан М. Ибрагимова, А. Солиҳова ва С. Ғаниевалар фаол қатнашмоқдалар.

**А. ГУЛОМОВ,**
**ишчи-муҳбирлар университетининг тингловчиси.**

# ПАХТА ИШҚИ

Партком секретари энди машинага чиқаман деб турганида қарши томонидан совхоз халқ контроли группасининг раиси Абляким Ажимуродов келиб қолди.

— Жуда ҳам яхши бўлдида, — деди Абдуолим Ҳўжақулов. — Ҳозиргина сизни йўқлатган эдим. Юринг, устахонага бориб ремонтчиларнинг ишларини кўздан кечириб келамиз.

Ўша куни ремонтчилар 57 та сеялканинг ҳаммаси экиш мавсумига тайёр, деб рапорт беришган эди. Шундай бўлса-да, партком секретари ремонтдан чиққан агрегатларни бир-бир ўз кўзи билан кўргиси келди.

Ҳозир ҳамма нарса техникага боғлиқ-да. Эрта-индин кунлар илиб, тупроқ қизиғач сеялкалар дала бошига чиқади. Шунда бирортаси тиқилиқ қилиб қолса борми, иш чўзилади, вақт йўқолади. Экиш пайтида вақт қанчалик қадрли эканлиги ҳаммага аён. Вақтинг кетди, нақдинг кетди деб бежиз айтишмаган деҳқонлар. Экиш пайтида бирор кор-хол бўлмаслиги учун ҳаммасини олдиндан яна бир бор текшириб чиққан яхши.

Бу йил совхоз пахтакорлари 4 минг гектар ерга чигит экишади. Улар ҳосилдорликни 43 центнерга етказишга, она-Ватанга 17 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилишган. Етиштирилган ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олинади.

— Бу йил совхозимизнинг ярим асрлик юбилейи нишонланар эканми? — Сўраб қолди машинада Аблякимм.

— Ҳа, ҳосилни йиғиштириб олганимиздан сўнг совхознинг тўйини ўтказамиз,— деди Абдуолим Ҳўжақулович. — Қаранг, 50 йилда совхозда қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Илгарилари шу ерлардан аранг 8—10 центердан ҳосил олинарди. Ҳамма иш қўлда бажариларди. Энди бугунги манзарани қаранг. Ҳамма иш машиналар ёлкасига юкланган. Ўшанда шу ерлардан 60 центнерга етказиб ҳосил олинади, десангиз ҳеч ким ишонмасди. Бугун эса шу марра эгалланяпти. Юбилей шарафига ҳозир бир қатор бригада ва бўлимлар ошириб мажбуриятлар олишмоқда. Куни кеча Ульянов номли бўлим бошқарувчиси Алиме опа Айвазова билан суҳбатлашиб қолган эдим. Бўлим бўйича ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилишибди. Жуда ҳам ҳўрсанд бўлдим.

Ульяновликлар ўтган йили ҳам кўп жиҳатдан совхозда байроқдор бўлишган эди. Бўлимнинг ҳозир 875 гектар ери бор. Пахтакорлар 1978 йилда ҳар гектар ердан пландаги 38 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил олишди. Пахтанинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Бўлимда пахтачиликни комплекс механизациялашга катта эътибор берияпти. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам 875 гектар ердан 32 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. Шу жумладан 2 минг тонна ҳосил планга қўшимча равишда топширилди.

Бўлимнинг ўз машъаллари бор. СССР Олий Совети депутати Энвер Алиев бошлиқ звено аъзолари 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан ошириб «оқ олтин» ундирди. Азаматлар бу йил ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилишган. Ленин ордени кавалери Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ звено аъзолари ҳам дондор механизатор раҳбарлик қилаётган коллектив билан изма-из келишяпти.

— Ўтган йили бўлимда тузилган мувақкат группалар жуда ҳам иш берди-да, — деди Абдуолим ака. — Мустафо Падишев бошлиқ бригадада тузилган партия группасининг ташкилотчилиги билан 8 иш кунида пахта тайёрлаш плани бажарилди. Бошқа бригадаларда тузилган партия группалари ҳам йиғим-терим даврида активлик кўрсатишди. Улар терим — транспорт отрядлари иши устидан пухта назорат ўрнатдилар. Бирорта ҳам агрегат бекор турмади. Шундай группаларни чигит экиш кампанияси даврида ҳам тузсак деган фикрдаман. Чунки йиғим-терим кампанияси каби экиш кампанияси ҳам ниҳоятда масъулиятли даврдир. Бу дамларда ҳар бир соат ҳисобда бўлиши керак.

— Тўғри фикр, — деди А. Ажимуродов. — Совхозимизда коммунистлар катта куч. Улар ҳамма ишга қодирдирлар. Йиғим-терим кампаниясида партия группаларига етакчилик қилган коммунистлар экиш даврида ҳам намуна кўрсатиб меҳнат қилишларига ишонаман. Экиш олдидан партия йиғилишлари ўтказиб, бу масалани конкрет муҳокама қилсак, яна ҳам яхши бўларди.

Ўша куни улар устахонада кўп бўлишмади. Ҳақиқатан ҳам ҳамма агрегатлар мавсумга сифатли шай қилинган эди. Ремонтчилар энди терим техникасини созлаш билан банд эдилар. Устахона партия группаси ташкилотчиси, халқ контроли пости раиси билан тайёр техникани кўздан кечиргач, чорвачилик фермаси томон йўл олишди.

— Техникани ўз вақтида сифатли тайёрлашга устахона назоратчилари ҳам ҳисса қўшишган, — деб қўйди А. Ажимуродов. — Ўтган йили совхоз бўйича 37 та текширув ўтказилди. Шу текширув давомида ремонтчилар ишини ҳам синчиклаб ўргангамиз. Камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилганлиги учун ҳам районда биринчилар қатори техникамиз янги мавсумга барвақт тайёр бўлди. Ферма назоратчилари иши ҳам ёмон эмас. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 40 тонна сут кўп соғиб олинди.

— Ҳа, қишлоқ яхши ўтди, — деди А. Ҳўжақулов. — Энди назоратчилар ташиб келтирилаётган уруғликни сақлаш, дорилаш билан жидийроқ шуғуллансинлар, минерал ўғитлар сақланаётган жойларни кузатсинлар. Экиш даврида иш сифатига яна ҳам кўпроқ эътибор бериш керак. Энг аввало экишга тайёрланган ерларни кўздан кечириш лозим. Сўнг уруғлик сарфиёти устидан назорат ўрнатиш зарур, токи исрофгарчиликка йўл қўйилмасин.

Партком секретари билан халқ контроли группаси раиси фермага етгунча яна суҳбатни давом эттиришди. Ҳамма қатори улар қалби ҳам пахта ишқи билан ёнарди. Пахтакорлар катта синов олдида турибдилар. Экиш бошланиши билан яна кенг карталар бўйлаб янги йил мўл ҳосили учун қизғин кураш бошланади. Бу курашда голиб чиқиш, беш йилликнинг тўртинчи йилини ёруғ юз билан нишонлаш ҳар бир пахтакорнинг орзу-ниятидир.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози.**

## ЛАВҲА



Калинин районидаги Свердлов номли совхоз теплица хўжалигида эртаки экинлар кўчатини парвариш қилиш ишларига етказилмоқда. Ҳозир бу ерда 12 миллион қарам, 11 миллион помидор кўчати экиш учун тайёр бўлиб қолди. Суратларда: бригада бошлиғи Ҳолмат Юнусов коллектив аъзолари билан кўчатларнинг сифатини кўздан кечирмоқда; теплица хўжалигининг пешқадам ишчиларидан Раъно Жаҳонбекова билан Маҳбуба Рихсиевалар.

Б. Гофуров фотолари.

*БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ*

# ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

**КПСС XXV съездида конкрет белгилаб берилганидек, ўнинчи беш йилликнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш беш йиллигига айлантириш соҳасидаги кураш районимиз миқёсида кенг кўлоч ёйдирилиб, ҳозиргаданоқ қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Барча коллективларда қизғин авж олдирилган социалистик мусобақа шарофати билан беш йилликнинг дастлабки уч йилидаёқ катта ривожланишга эришилди.**

САНОАТ корхоналари коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш уч йиллик планларини анча ортиғи билан адо этдилар. 1976—1978 йилларда 4300 минг сўмлик саноат маҳсулотлари планга қўшимча реализация қилинди.

Айниқса, Бўка пахта тозалаш заводи эришаётган ютуқлар қувончли бўлаётир. Бу ерда фан-техника ютуқларини, илғор технологияларни ишга метод-ларини жорий этиш, ишчилар ўртасида ўзаро меҳнат беллашувининг таъсирчан формаларини қўллаш натижасида уч йил давомида кескин ўсишга эришилди. Беш йиллик бошидан бери меҳнат унумдорлигини ошириш плани 6,6 процент ортиғи билан бажарилди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон — Компартияси 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмасининг филиали эндигина иш бошлаган бўлишига қарамай, 1978 йилдаёқ 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ҳозир филиалда 120 нафар хотин-қиз ишлаб турибди. Бу корхона йил сайин кенгайтирилиб, келажакда мустақил фабрикага айланиб қолади.

Райондаги транспорт корхоналари коллективлари узлуксиз ривожланиш йўлидан бормоқдалар. Бу соҳада ўнлаб тажрибали ва ташаббускор ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётир. Улар барча ҳамкасбларини ўзлари сингари смена нормаларини мунтазам ортиғи билан бажаришга, шахсий беш йиллик планларини ҳам барвақт уддалаб, район меҳнаткашларининг умумий ютуғига салмоқли ҳисса қўшишга даъват этмоқдалар. Пахта тозалаш заводидан Анвар Жавдатов, Раимжон Шарипов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти район бирлашмасидан Николай Киктиев, Саид Очилов, Рустам Иноқов, 122-автобазадан Рустам Арслонов сингари ташаббускор ишчилар шулар жумласидандир. Уларнинг аксарияти шахсий беш йиллик планларини бажариб қўйиб, навбатдаги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир транспорт корхоналарида ташаббускорларнинг юзлаб издошлари ишлаб турибди. Уларнинг баракали меҳнатлари туфайли беш йилликнинг ўтган уч йили давомида пландан ташқари 93 минг тонна юк, 927 минг нафар пассажир ташилди. Автокорхоналарнинг ҳаммаси давлат планларини ошириб бажарди. 122-автобаза коллективи тўққизинчи беш йиллигининг уч йиллигидагига нисбатан юк ташиш бўйича 1,5 баробар, юк обороти бўйича 1,6 баробар ўсишга эришди.

Қурилиш соҳаси район партия комитетининг доимий диққат-марказида турибди. Шунинг учун ҳам қурилиш ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бораётир. Ўтган вақт ичида район марказида бешта кўп қаватли уй ва бошқа маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Уч йил давомида 40 минг сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, 34 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жами ўзлаштирилган капитал маблағнинг 17 минг сўмидан кўпроғи уй-жой қурилишига сарфланди.

1978 йил қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда унутилмас йил бўлиб қолади. Шу йили районимиз пахтакорлари ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, она-Ватан хирмонига 69346 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Бу районимиз пахтачилиги тарихида рекорд натижадир.

Ўтган йил юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг ҳосилдорлик бўйича ҳам, яъни пахта етиштириш бўйича ҳам 102 процент қилиб бажарилишига районимиздаги барча хўжаликлар катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» колхозлари, «Бўка», «Кўкорол» совхозлари ва Тимирязев номли колхозлар баракали хирмон кўтардилар.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пахтачилик бригадалари ўртасида 50 центнерчилик ҳаракатининг кенг кўлоч ёйдирилиб юзасидан олиб борилаётган ташкилий ишлар яхши самаралар бераётир. «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Иброҳимов бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни 55,2 центнерга етказиб 50 центнерчилар мусобақасида пешқадамлик қилдилар. Шу колхоздан Хўжа Носиров, Эргаш Бозорбоев, Наталья Ковалёва, Ҳамза номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова бошлиқ бригадаларда ҳам 50 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Район хўжаликларидаги 41 та бригадада ҳосилдорлик 35—45 центнерга тўғри келди.

Пахтачиликда йиғим-терим ишларини механизациялаштириш йил сайин ўсиб бормоқда. Бу терим-транспорт отрядлари тузиш ва уларнинг юксак унум билан ишлашлари учун намунали шароит яратиб бериш юзасидан амалга оширилаётган ташкилий ишлар натижасидир. Ҳар бир терим-транспорт отрядига кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган коммунист механизаторлар раҳбарлик қилаётирлар. Тимирязев номли колхоздан Пўлат Асроров, Ражаб Маҳкамов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Михаил Галин, «Кўкорол» совхозидан Содиқ Деҳқонбоев, Ильич номли колхоздан Матан Раҳматалиев, Фрунзе номли колхоздан Раҳмат Ўринбоев, Жамбул номли колхоздан Жоникул Усмонов, Мичурин номли колхоздан Фаиз Норбўтаев, «Бўка» совхозидан Кенжабек Дўсов ўртоқлар ўз машиналари билан мавсумда 200—250 тоннадан пахта теришб бердилар.

Районимизда ялпи дон етиштириш йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган йили 16854 минг тонна ғалла, шу жумладан 3227 тонна шоли, 10541 минг тонна маккажўхори дони етиштирилди. Ғаллакорларимиз давлатга пландаги 3580 тонна ўрнига 5721 тонна дон сотиб, социалистик мажбуриятларини ҳам анча ортиғи билан бажардилар. 1976—1978 йилларда тўққизинчи беш йиллигининг уч йилига нисбатан дон етиштириш 77 процент, шу жумладан маккажўхори дони етиштириш 2,3 баробар кўпайди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам қувончлидир. Ўтган йили давлатга гўшт, сут, тухум ва жун сотиш планлари муддатидан илгари анча ортиғи билан адо этилди. Шунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи доимий сақлаш учун районимизда қолдирилди.

Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхоз-совхозларда 1978 йилда қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада кўпайтириш учун сайловолди социалистик мусобақаси қизғин авж олган бир пайтда Ватанимиз пойтахти Москвадан хушхабар келди. Районимиз меҳнаткашлари 1978 йил планлари ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари эвазига Бутунитттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлдилар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотландилар. Партия ва ҳукуматимизнинг бу юксак мукофоти ҳар сафар бўлганидек, районимиз меҳнаткашларини янги-янги ғалабалар сари руҳлантириб юборди. Улар доимий аънанага содиқ қолиб бу мукофотни саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳасида олға қараб улкан одим ташлаш билан оқлаш учун кураш бошлаб юбордилар.

Район партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган ҳулоса ва кўрсатмалар асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантиришни бундан буёнги фаолиятларининг бош йўли қилиб белгиладилар. Асосий эътибор пахтачиликни ривожлантиришга қаратилмоқда. Биринчи галда ҳали фойдаланилмаётган ички резерв ва имкониятларни қидириб топиб ишга солиш чоралари белгилаб олинаётир. Жумладан Районнинг ўртача даражасидан кам ҳосил олаётган «Кўкорол», «Бўка» совхозлари, Фрунзе номли, К. Маркс номли, Мичурин номли, Жамбул номли колхозларда ҳосилдорликни 33—35 центнерга етказиш кўзда тутилаётир. Ана шунда 1980 йилга бориб районнинг ўртача пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш ва давлатга ҳар йили 70 минг тоннадан ошириб «оқ олтин» сотиш имконияти яратилади.

1979 йилда дон етиштириш 26 минг тоннага, 1980 йилга бориб эса 30 минг тоннага етказилиши лозим. Бунинг учун кўриқ ерлардаги хўжаликларда суғориладиган ва лалмикор ерларда бошоқли дон ҳосилдорлигини камида 2—2,5 баробар кўпайтириш, маккажўхори дон ҳосилдорлигини эса район бўйича 95—100 центнерга етказиш талаб этилади. Бу вазифаларни тўла-тўкис бажаришни таъминлаш мақсадида ҳар бир хўжаликда ихтисослаштирилган маккажўхоричилик ва шоличилик бригадалари тузилмоқда. Уларни комплекс механизациялаш ва малакали кадрлар билан тўла таъминлаш чоралари кўрилаётир.

Район партия комитетининг XI пленумида беш йилликнинг охирига бориб чорва маҳсулотлари етиштиришни 2 баробар кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Уни изчиллик билан амалга оширишга киришилди. Партия ташкилотлари бу муҳим ишнинг муваффақиятли бажарилишини ўз назоратларига остига олишган. Бундан ташқари шахсий хўжаликларда чорва моллари сақлашни кўпайтириш, уларга озуқа етказиб беришда ёрдам кўрсатиш район таъёрлов органлари ходимлари ва хўжаликлар раҳбарларининг муҳим вазифалари қилиб қўйилди.

1979 йил ва умуман беш йилликнинг охирига белгиланган вазифаларни тўла-тўкис бажарилиши кўп жиҳатдан раҳбар ва мутахассис кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўя билишга боғлиқдир. Уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, жойларда ўтказилаётган партия йиғилишларини чинакам тарбия мактабига айлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳасида коммунистларнинг ва комсомолларнинг авангардлик ва ташаббускорлик ролини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Район партия ташкилотларида колхозчиларнинг, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва совхозлар ишчиларининг меҳнат активлигини ошириш, уларни навбатда турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга оммавий сафарбар этиш учун ҳамма ерда партиявий-ташкилий ва сиёсий-оммавий ишларнинг форма ва методларини такомиллаштириб, идеология кадрлари бўлган пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар, агитаторлар ва маҳаллий лекторларнинг фаолиятини активлаштирмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва совет ҳукумати белгилаб бераётган улуғвор вазифаларни бундан буён ҳам шараф билан бажара бориш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарган ҳолда меҳнат қилаверадилар.

**Т. ИСЛОМОВ,**
**Бўка район партия комитетининг биринчи секретари.**

# МАҲАЛЛАДА МИТИНГ

ЕР юзидаги барча тинчликсевар халқлар Хитой босқинчиларига қарши зарба бериб келаётган Вьетнам халқи билан бирга қизғин бирдамлигини билдиришмоқда. Улар «Социалистик Вьетнамдан қўлингни торт!», «Агрессия тўхтатилсин», «Социалистик Вьетнамдан Хитой қўшинлари дарҳол олиб чиқиб кетилсин!» деб қатъий талаб қилмоқдалар.

Шаҳардаги энг кенжа Акмал Икромов районидаги Ҳабиб Абдуллаев номли маҳаллада ҳам Вьетнам халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Маҳалла чойхонасига 400 дан ортиқ хонадон аҳолиси йиғилди. Маҳалла комиссиясининг раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мирзоҳид ота Обидов сўзга чиқиб, Хитойнинг уруш снёсати ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирди.

Маҳалла активларидан Ҳикмат ака Мақсудов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мадихон ота Тўраев, Қодир ака Қосимов, Азиз ака Тўлагановлар сўзга чиқиб Совет ҳукумати баёнотини қизғин маъқуллаб, Хитой босқинчиларининг Вьетнамга қарши ёвуз агрессиясини кескин қораладилар. Шу нарса алоҳида таъкидландики, Вьетнам халқи ўттиз йил чет эллик босқинчиларга — аввал француз мустамлакачилари, кейин Америка империализмига қарши курашди ва порлоқ ғалаба қозонди. Энди эса Хитой маъмурлари Вьетнам халқига қарши уруш оловини ёқиб юборди. Митинг қатнашчилари Вьетнам халқи барча тинчликсевар давлатлар қўллаб-қувватлаши билан бу адолатли урушда ҳам албатта ғалаба қилажагига комил ишонч билдирдилар.

**Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

# ГЎШТ КЎПАЙМОҚДА

**КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган областимиз чорвадорлари гўшт, сут ва тухум етиштириш бўйича қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Қатор хўжаликлар йил бошиданоқ давлатга гўшт топширишни кучайтиришди. Жумладан, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводининг коллективи бўрдоқичиликни ривожлантира бориб бир ярим ой ичида гўшт топшириш квартал планини муваффақиятли бажарди. 24 тонна гўштнинг ҳаммаси юқори семизликда қабул қилинди.**

**Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози ҳам маҳсулот топширишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган йили гўштга топширилган қорамолнинг тирик вазни ўртача 475 килограммданга тўғри келган эди. Бўрдоқичилар бу йил ҳам ана шундай кўрсаткичларга эришиш учун резерв ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Бўрдоқичиларнинг шу кунлардаги иши ҳам қувончли. Қорамол, чўчқа боқишда зоотехника қоидаларига тўла риоя қилинмоқда. Озуқа хилма-хил берилиб, рациони ортирилгани туфайли моллар яхши семирмоқда. Совхоз бир ой ичида 107 тонна гўшт топшириб, квартал планини салкам 90 процентини бажариб қўйди.**

**М. ГОЗИЕВ.**

# ЭРТАКИ КАРТОШКА ЭКИЛМОҚДА

**Тошкент районидаги Карл Маркс номли сабзавоткорлик колхозининг деҳқонлари эртаки картошка экишга ўтган йилдагидан йигирма кун илгари киришдилар. Бу ерда бутун майдондаги ана шу иш биринчи марта махсус тўрт қаторли машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Бу машиналар картошка уруғини 16 сантиметр чуқурликка экмоқда. Бу эса экилган картошкани совуқдан сақлаш, мўл ҳосил олиш имконини беради. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланмоқда.**

**Бу йил Тошкент областининг деҳқонлари 5,5 минг гектар — ўтган йилдагидан 700 гектар кўп майдонга эртаки картошка экишга қарор қилдилар.**

**(ЎзТАГ).**

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## ХИТОЙ АГРЕССИЯНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

ҲАНОЙ, 27 февраль. (ТАСС). Хитой қўшимча пиёда, артиллерия ва танк қисмларини уруш ҳаракатлари районига ташлаб, Вьетнамга қарши агрессив урушни кенгайтириб бормоқда.

Вьетнам ахборот агентлиги (ВИА)нинг хабар беришича, 24 ва 25 февралда Хитой агрессорлари Лангшон ва Каобанг йўналишларида катта куч тўплади. Бу ерда шиддатли жанглар давом этмоқда. Лангшон вилояти Чангдин уезднинг қуролли кучлари ва аҳолиси душманга ҳужум қилиб, 300 дан ортиқ солдатини қириб ташлади ва кўп қурол-яроғларини ўлжа олди.

Хитойлар Монгкай шаҳри яқинида ҳужум қилган бўлса-да, Вьетнам аскарлари уларни улоқтириб ташлади. Каобанг вилоятида ВСРнинг қуролли кучлари Хитой агрессорларига узлуксиз зарбалар бермоқда. Душманнинг 600 дан ортиқ солдати сафдан чиқарилди.

Хоанглиеншон вилоятининг жангчилари ва аҳолиси Камдионг районида душман қисмларига сезиларли зарбалар беришни давом эттирмоқдалар. Агрессорлар бу ерда танк ва артиллерия билан кучайтирилган катта-катта пиёда қисмларини тўплаган.

Агрессорлар Вьетнамнинг шимолий вилоятларида ўз қўшинларини кўпайтиришда давом этмоқда. Улар уруш ҳаракатлари районига икки авиадесант дивизиясини келтириб ташладилар.

ВСРга қарши агрессия чоғида Хитой қўшинларидан 18 минг киши ўлдирилди, 170 дан ортиқ танки, 120 тага яқин ҳарбий машинаси ва 12 оғир тўпи мажақлаб ташланди.

Информация агентликлари Хитой, Вьетнам ва Лаос чегаралари туташган жойда Хитой қўшинлари йиғилаётганлигига, Пекиннинг агрессияси ЛХДРга ҳам ёйилиши мумкинлигига эътиборни жалб қилмоқдалар. Қўшинларни йиғиш, Лаосдаги агентларнинг ғиввирлаб қолганлиги, бу мамлакатда тартибсизликлар чиқаришга уринишлар Ҳинди—Хитойда Пекининг агрессив ҳаракатлари авж олиши жиддий хавфини келтириб чиқаради.

Ҳар бир кун, деб хабар беради ВИА агентлиги, вақтинча ишғол этилган Вьетнам ерларида Хитой ҳарбийларининг ваҳшиёна ноинсоний жиноятларидан янги-янги далиллар келтирмоқда. Агрессорлар тинч аҳолига, шу жумладан хотин-қизлар ва болаларга нисбатан айниқса ёвузлик қилмоқдалар.

## АРАБИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

ЛОНДОН, 27 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Вашингтондаги мухбири берган хабарга кўра, АҚШ давлат секретарининг ёрдамчиси М. Дрейпер Қўшма Штатлар Яман Араб Республикасига (Шимолий Яманга) 100 миллион доллардан ортиқ турадиган кўп миқдордаги қурол-яроғ юбораётганини айтди. М. Дрейпернинг айтишича, бу қурол «жанубий Яманга қарши курашиш учун» мўлжалланади.

АҚШ мудофаа министри Г. Брауннинг бир неча кун муқаддам Яқин Шарққа қилган визитидан кейин, Яман Араб Республикасига қуроляроғ етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Г. Браун АҚШга қайтиб борган Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқ ишларига империалистик аралашувини кучайтириш планини баён этиб берди. Бундай аралашув шу региондаги кескинликни баттар кучайтиришгагина олиб бориши мумкин.

Империализм билан реакция кучларининг Яман Халқ Демократик Республикаси миллий суверенитетига путур етказиш йўлидаги ҳамма уринишлари барбод этилади, дейилади ЯХДР ташқи ишлар министрлигининг баёнотида, республика халқига ва унинг миллий демократик тузумига қарши ўтмишда қилинган ҳамма фитналар ҳам барбод бўлган эди.

Айни вақтда, деб уқтирилади Шимолий Яман территориясида ҳаракат қилаётган миллий-демократик фронт халқ революцион кучларининг бу ерда эълон қилинган ахборотида, шу кучларнинг бўлинмалари Шимолий Ямандаги Каатаба ва Маранс шаҳарларини ўз назоратлари остига олганлар. Миллий демократик фронт халқ революцион кучларининг бундан кейинги ахборотларида айтилишига қараганда, миллий демократик фронт отрядлари Ал-Байда ва Ҳариб шаҳарларини тўла назорат қилиб турибдилар. Бу жойларда ҳам қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

ҚОҲИРА, 27 февраль. (ТАСС). Бу ерда расмий равишда эълон қилинишича, ЯАР ҳукумати араб мамлакатлари уюшмасига шикоят билан мурожаат этиб, Яман Халқ Демократик Республикасини Шимолий Яманга ҳужум қилишда айблади.

# ЭРОНДАГИ ҲАЁТ НОРМАЛ ИЗГА ТУШМОҚДА

ТЕҲРОН, 27 февраль. (ТАСС). Эрон муваққат ҳукуматининг бош министри М. Бозоргон Эрон нефтини чет элларга етказиб бериш келгуси ҳафтаданоқ бошланишини айтди.

Эрон миллий нефть компаниясининг бошқарувчи директори Х. Назих нефтчиларнинг Ободондаги оммавий митингида сўзга чиқиб, Эроннинг нефть чиқариш ва экспорт қилиш соҳасидаги сиёсати фақат мамлакатнинг миллий манфаатларига асослашишини таъкидлади. Биз, деди, у, нефть сотиш тўғрисида Эронга мустамлакачилик битимларини тиқиштиришга ҳеч қачон рози бўлмаймиз.

Компаниянинг маъмурий аппарати, деди Х. Назих, яқин вақт ичида шоҳ режими вақтида ўз обрўсини туширган сотқин унсурлардан тозаланади. Унинг айтишича, камида 400 кишини ишдан бўшатиш мўлжалланмоқда.

Кўпгина саноат корхоналарининг нормал иш суръатлари қайта тикланганлиги тўғрисидаги хабарлар келиб турибди. Форс агентлигининг хабарида айтилишича, Исфаҳон металлургия комбинати эртаги кундан бошлаб яна тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Эрон маъмурлари мамлакатда эски тартибларни қайта тиклаш умидларидан воз кечмаган аксилинқилобчи унсурларнинг фаолиятини пайини қирқиш чораларини кўрмоқда. Покистонда яширинишга урининган жандармерия генерали Эстаҳрон ва шоҳ охранкаси САВАКнинг 28 ходими муваққат ҳукуматга топширилди. Уларнинг ҳаммаси шоҳга қарши ҳаракат қатнашчиларидан ўч олишга бевосита жавобгар бўлганликлари учун судга берилади. Революцион трибунал охранканинг Исфаҳондаги зиндонларида ватанпарварларга шахсан азоб берган САВАК жаллоди Нодирийни қатл этишга ҳукм қилди.

Теҳронда шоҳ устидан ўтказиладиган судга ҳозирлик кўрилмоқда. Айтишларича, Эрон маъмурларининг чет элга қочган шоҳни тутиб бериш тўғрисидаги талаби ҳатто бажарилмаган тақдирда ҳам ошкора суд мажлиси ўтказилади.

Мамлакатнинг бўлажак давлат тузуми тўғрисидаги масала юзасидан референдумга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳукумат вакилининг айтишича, референдум яқин икки ҳафта ичида ўтказилади. Ҳукуматнинг вакили Эрон республикаси конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ишлари тугалланганини ҳам айтди.

ЛОНДОН, 27 февраль. (ТАСС). «Файнэшл таймс» газетаси бугун қуйидагиларни ёзади: Эрон ўз нефтини сотишни давлат монополиясига олиш ниятидадир. Баъзи маълумотларга қараганда, Эрон шоҳ режими даврида қилинганидек нефтни йирик компанияларнинг халқаро консорциуми орқали эмас, балки бевосита Эрон миллий нефть компанияси орқали сотмоқчи бўлиб турибди, деб ёзади газета.



ПОЛЬША Халқ Республикасида автомобилсозлик саноатининг энг ривожланган соҳаларидан бириндир. Ҳар куни автозаводларнинг йиғув цехларидан 1,5 мингдан ортиқ юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, махсус машиналар чиқарилади. Суратда: Варшавадаги автозаводда «Полонез» янги енгил автомобили йиғилмоқда.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

# ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

**БУДАПЕШТ.** Захонь темирйўл узелини кенг кўламда реконструкция қилишга киришилди. Икки қардош мамлакат — Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасида юклар ана шу темир йўл узели орқали ташилади. Бу ерда юк ортиш ва туширишга мўлжалланган усти ёпиқ жой қурилмоқда, темир йўллар реконструкция қилинади. Бу эса юк ташиш ҳажмини анча кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шу йил Венгрия темир йўлчилари 135 миллион тонна юк ташишлари лозим.

**БРЮССЕЛЬ.** Бельгия кончилик саноати жиддий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Мамлакатда тошкўмир қазиб чиқариш тобора камайиб бормоқда. 1978 йилда 6 миллион 590 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган эди. Бу — 1977 йилдагига нисбатан ярим миллион тонна камдир. Ички талаб-эҳтиёжларни қондириш учун Бельгия 1978 йилда кўмир импорт қилишни 7,8 процент кўпайтириб, уни 7 миллион 108 минг тоннага етказишга мажбур бўлган эди.

**ТОКИО.** Японияда меҳнаткашларнинг анъанавий баҳор ҳаракати тўлқини мавж урди. 1979 йилда биргаликда баҳорги курашни уюштириш кенгашининг даъватига мувофиқ шу кунларда Хонсю ва Кюсю оролидаги кўпгина шаҳарларда оммавий митинглар ва намойишлар бўлиб ўтмоқда. Бу кенгаш ўз сафларида тўққиз миллион кишини бирлаштириб турибди. Ишчилар ишсизликка ва қашшоқликка қарши курашишга қатъий аҳд қилганликларини билдириб, нархнавонинг тинмай ошиб бориши тўхтатилишини, «фавқулодда аҳвол рўй берган тақдирда» демократияга қарши қонунларни жорий этишга уринишлардан воз кечишни ҳукуматдан талаб қилмоқдалар.

**БАМАКО.** Мали пойтахтида Мали халқ демократик иттифоқи таъсис съездини тайёрловчи миллий комиссия ишлаб чиққан ҳужжатларни дастлабки тарзда муҳокама қилиш бошланди.

Мамлакатнинг барча районларидан келган 200 дан кўп вакил бирлашган миллий партиянинг программа ва устави лойиҳаларини кўриб чиқади. Бу партиянинг таъсис съезди шу йил март ойида ўтказилади.

**(ТАСС, 27 февраль).**

# «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

**ЧИРЧИҚ.** Ўзбекистондаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг меҳнаткашлари москваликларнинг ленинча Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу ерда бўлиб ўтган митингда «Меҳнат байрамида ҳамма қатнашади, — деб айтишди коллектив аъзолари. СССР Давлат Мукофотининг Лауреати ишчи Зоя Ивановна Побединская ўртоқларини 21 апрель кунини ишлаб чиқариш резервларининг кўригига айлантиришга даъват этди. Унинг ўзи меҳнат байрами куни уч комплект машинаускунада ишлаб, нормада белгиланганидан уч баравар кўп вольфрам сим ишлаб чиқаришга сўз берди. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси тежалган металлдан тайёрланади. Цех пайвандчиси, меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери Рузмат Абдуқодиров лауреатнинг даъватини қўллаб-қувватлади. Унинг ўзи ҳам Коммунистик шанбалик куннида уч норма бажариш ниятидадир.

Корхона коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятга қуйидагиларни ёзиб қўйди: 21 апрель кунн одатдаги қунлик иш унуми 15 процент оширилади. Айни вақтда ободонлаштириш юзасидан анчагина ишлар бажарилади. Металлурглар халқаро болалар куни шарафига шанбаликда ишчилар посёлкасида 20 та ўйин майдончасини ташкил қилишга ва тўла-тўкис пардозлашга, кичкинтойлар учун арғимчоқлар қуришга, гуллар ўтказишга аҳд қилдилар. Комбинат меҳнатчиларидан ўнлаб киши янги стадион ва сузиш ҳовузи қуришда қатнашади.

**(ЎзТАГ мухбири).**



Янгийўл шаҳар бирлашган касалхонасининг «тез ёрдам» бўлими учун янги корпус қуриб, фойдаланишга топширилди. У транспорт воситалари ва турли асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу ерда диспетчерлик хизмати ҳам яхши йўлга қўйилди.
Суратларда: (чапдан) «Тез ёрдам» бўлими учун қурилган янги бино. Диспетчерлардан Т. Осокина билан М. Ҳасанбоевалар иш устида.
Г. Пун ва И. Чернов фотолари. (УзТАГ).

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

## КИЧКИНТОЙЛАР МАСКАНИДА

Партия-ҳукуматимиз кичкинтой жажжи ўғил-қизларимизга катта ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кичкинтойлар учун неча юзлаб болалар боғча-ясслилари қуриб берилган ва қуриб берилмоқда. Бахтиёр ўғил-қизларимиз ўз масканларида роҳат — фароғатда тарбияланмоқдалар.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 172-болалар боғчасида ҳам кичкинтойларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу боғча 1948 йили ташкил этилган бўлиб, ўша даврда атиги битта группагина бор эди, холос. Дастлаб атиги 25 кичкинтой тарбияланган бу болалар боғчасида ҳозир 4 та группа мавжуд бўлиб 120 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу болалар масканини кенгайтиришда «8 Март» маҳалласининг жамоатчи активистлари, жумладан Ўзбекистон хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, пенсионер Абдулла ака Ҳакимов ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Болалар боғчасини тажрибали педагог Муҳаббат Разоқҳўжаева кўпдан бери бошқариб келмоқда. У 1970 йили ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат педагогика институтининг мактабгача тарбия факультетини ўқиб тугатди.

Моҳир мураббий педагоглар малакасини ошириш институти томонидан 1972 йилда ўтказилган шаҳар районлараро кўригида «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотланди.

Болалар масканидаги тарбиячиларнинг кўпчилиги олий маълумотли мутахассислардир. Чунончи, музика ўқитувчиси Мовлуда Юнусова Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини, Нури Шокирова эса, Крупская номидаги Тошкент мактабгача тарбия билим юртини битиришган. Билим ва тажриба уларга болалар муассасасида тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, ҳар бир кичкинтой психологиясини яхши билиб олиш ва уларнинг индивидуал қобилиятларини аста-секин ўстириб боришга имконият яратяпти. Шунинг учун ҳам жажжи ўғил-қизларимиз бахтли болалик онларини боғчада шоду-хуррам ўтказишаяпти.

**А. ТОЛИПОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**


# Реклама ва эълонлар

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги
ТОШКЕНТ ШАҲАР
95-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: универсал токарь, фрезерчи, электр-газ пайвандчи, автослесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, штампларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-асбобсоз.**

**8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинади.**

**Ўқиш муддати — 1—2 йил.**

**Ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кундалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.**

**Билим юрти ҳузуридаги кечки-сиртқи ўрта мактаб ишлаб турибди.**

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртида спортнинг қураш, самбо, футбол, волейбол, картинг турлари бўйича секциялар; фото, техника ижоди, ёғочга ўйиб гул солиш тўгараклари, вокал-инструментал ансамбли ишлаб турибди.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур:** директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳар, Куйбишев району, Владимирский переулоги, 15-уй (4-автобуснинг «Дружба» кинотеатри» бекати). Телефон 66-85-85.

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОН» трестининг
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

**ТОШКЕНТ шаҳрида кабелчи-қалайловчи алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган**

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ўқиш даврида курсантларга 75 сўм 90 тийин ҳажмида стипендия берилади.**


**Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.**

**Курсларни тугатганларга разряд берилади ва улар Самарқанд, Душанба ва Тошкент шаҳрида ишлайдилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 15-уй, 12-корпус (5, 7, 12, 37, 55, 68-автобусларнинг «Тепловоз депоси» бекати). Телефонлар: 91-56-94, 91-44-95.

ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА УЙ ЭГАЛАРИНИНГ

## ДИҚҚАТИГА!



ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯГА ЭҲТИЁЖИ УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БИЛАНГИНА ЭМАС, БАЛКИ УНДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН ҲАМ ҚОНДИРИЛАДИ.

Энергияни рационал сарфлаш, айниқса сутканинг кечки ва эрталабки соатларида мақсадга мувофиқ сарфлаш электр таъминотида нескиликни пасайтиради ва ёқилғини кўпроқ тежаш имконини беради.

**ҲАР БИР ГРАЖДАНИН** кундузи электр лампаларининг бекорга ёнишига йўл қўймаслиги, бинодан чиқа туриб электр чироқни ўчириши керак.

СУТКАНИНГ ЕРУҒ СОАТЛАРИДА ТАШҚИ ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛСА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОҒОҲЛАНТИРИЛМАСДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

**«УЗЭНЕРГОСБИТ».**


# ҲАВФЛИ ҲАСТАЛИК

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Сариқ ҳасталиги қадимдан мавжуд. Аввал бу касалликни юқимсиз деб ҳисоблашган. Шунинг учун у соғломлардан айриб даволанилмаган. Касаллик кенг тарқалиб, инсонларни кўплаб нобуд қилган. Фақат 1880 йилга келиб, сариқ касали юқимли эканини рус олими Боткин аниқлади. Шунинг учун бу ҳасталикни «Боткин» касаллиги деб ҳам юритилади.

Сариқ касалининг қўзғатувчи вирус касал одамнинг қонида, томогида, оғзида, ахлатида, сийдигида бўлади ва соғлом кишига юқади. Вирус юққач, 20—40 кундан сўнг, ўз таъсирини кўрсата бошлайди.

Вирус асосан жигар ва ўт пуфагини зарарлайди, унинг фаолиятини сусайтиради. Аввал иштаҳа йўқолади, кўнгил айниш, баъзан қусиш ҳоллатлари, ич қотиш ёки кетиш, дармонсизлик, эт увишиш, йўтал, бош, қорин ва мушакларда, кўл-оёқларда оғриқ ва носитма рўй бериши мумкин. Юрак уриши сусаяди, бадан сарғайиб қичима пайдо бўлади. Сийдик эса тўқ жигар ранг тус олади. Касаллик айниқса болаларда ва хомиладор аёлларда оғир кечади.

Беморнинг соғайиши унинг ўз вақтида врачга мурожаат қилишига боғлиқ. У қанчалик тез касалхонага ётса, врач маслаҳатларига риоя қилса, парҳоз сақласа, шунчалик асоратсиз соғайиб кетади. Акс ҳолда у узайиб, зўрайиб, тузалмас оғир жигар ҳасталикларига айланади.

Беморни ўз вақтида касалхонага жойлаштириш шарт. Чунки, касалхонада бемор учун ҳамма зарур шароитлар мавжуд. Дори-дармонлардан ўз вақтида олади, доим докторлар назоратида бўлади. Иккинчидан, беморнинг касалхонага ётқизилиши билан касалнинг бошқаларга юқишининг олди олинади.

Сариқ касаллиги баъзан беморга ишлатилган шприц-ийналар яхши қайнатилмаганлиги сабабли укол тегида бошқаларга юқиши ҳам мумкин. Шунинг учун мумкин қадар беморлар поликлиника ва касалхоналарда, яъни ишончли жойларда укол олишга ҳаракат қилишлари лозим.

Юқорида айтганимиздек, сариқ касали биринчи галда жигарни ишдан чиқаради... Шунингдек, ичқилиқ ҳам жигарга салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, сариқ касали ичкилик ичувчиларда айниқса оғир кечади.

Умуман, сариқ касалидан сўнг беморларга парҳез сақлаш тавсия этилади, спиртли ичимлик ичиш мутлақо тақиқланади.

**Ҳабибулла ҚОДИРИЙ,**
**врач-терапевт.**

# ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЯҚИНДА Калинин район «Ленинчи» газетаси қошида ташкил этилган ишчи-қишлоқ мухбирлари халқ мактабини тугаллаган 14 кишига гувоҳномалар топширилди. Газета редактори Х. Қаюмовнинг «Совет матбуоти ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати тарихидан», масъул секретарь Н. Қодировнинг газета жанрлари ҳақидаги докладлари, айниқса, «Совет Ўзбекистони» газетасининг ходими Ж. Саъдуллаев ўтказган суҳбат қизиқарли бўлди.

Ҳозир район газетаси саҳифаларида ишчи-қишлоқ мухбирлари қаламига оид турли жанрлардаги материалларни ўқиш мумкин. Улар беш йиллик қаҳрамонлари, қишлоқ янгиликлари ва бошқа темаларда қизиқарли мақолалари билан матбуотда қатнашишмоқда.

**М. БОТИРОВ.**

# ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Тошкент область комсомол комитети ташаббуси билан ташкил қилинган «Қизлар турунги»нинг кўчма лекторийси машғулоти бу гал Бекобод районида ўтказилди. Зални тўлдириб ўтирган хотин-қизлар орасида илғор пахтакорлар, чорвадору — соҳибкорларни кўриш мумкин. Улар лекторий қатнашчиларининг сўзларини мароқ билан тинглашди, ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоблар олишди.

Айниқса таниқли олима, филология фанлари кандидати Музайяна Алавиянинг чиқишини қизлар қизиқиш билан қарши олдилар. Моҳир педагогнинг дил сўзлари, ўгитлари барчага маъқул бўлди.

Область қизлар совети аъзоси, шифокор Лола Абдураҳмонова бўлажак уй бекаларига озодалик, шахсий гигиена, саломатликни таъминловчи омиллар юзасидан қимматли маслаҳатлар берди. Суҳбат давомида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялаш ҳусусида фикр алмашинди. Сўнг кийиниш маданияти ҳусусида бахс кетди. Тошкент модалар уйининг модельери Муқаддас Музаффарова ўз ҳамкасблари билан бирга олиб келган янги хил фасондаги кийим-бошларни намойиш этди.

Йиғилганлар республика юстиция министри Мамлакат Собировна Восиқова, «Ғунча» журнали редактори, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Йайра Саъдуллаеванинг дил сўзларини ҳам мароқ билан тинглашди, «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли қизларининг санъатини қизиқиш билан томоша қилишди.

Лекторий қатнашчилари ҳозир навбатдаги сафарга отланишмоқда. Улар Тошкент областининг районларида бирма-бир бўлишиб, турмуш маданиятини ошириш, таълим-тарбия ишлари даражасини кўтариш, янгиликларни пропаганда қилишда маҳаллий партия ва жамоат ташкилотларига яқиндан ёрдам беришни мақсад қилиб қўйишган.

**Ф. УСМОНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.**

# ИШЧИ—ФАН КАНДИДАТИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977) ва июль (1978) Пленуми қарорларида халқ хўжалигини замонавий асбоб-ускуналар, ҳар хил типдаги машиналар билан таъминлайдиган машинасозлик тармоғини янада ривожлантириш масалаларига катта аҳамият берилди. Маҳсулотларнинг сифатини ошириш, илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш бу борада муҳим ўрин тутади.

Машинасозликнинг муҳим масалаларини ҳал қилиш ишига олимлар билан бирга завод ва фабрика ишчи-хизматчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Айниқса, ишчиларнинг ўзлари ишлаб турган корхона қувватини, маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ технологик масалаларни фан ютуқларига суянган ҳолда ҳал қилишга уринишлари ижобий роль ўйнамоқда.

В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводида ҳам бундай изланувчилар кўп. Механика цехининг бошлиғи Камолиддин Умаров эса «Кибернетика» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий советида «Деталларни механик ишлов бериш жараёнига тайёрлашда математик моделларни қўллаб алгоритмларни оптималлаштириш» деган темада яқинда диссертация ёқлади.

Кибернетика институтининг етакчи олимларидан техника фанлари доктори профессор М. Комилов, техника фанлари кандидатлари Н. Мўминов, А. Набиев ўртоқлар сўзга чиқиб, бажарилган ишнинг савияси ҳозирги замон фанининг талабларига жавоб беришини, илмий изланиш натижалари корхонадаги технологик жараёнларни мукаммаллаштиришда муҳим ўрин тутишини гапириб бердилар.

Изланувчан мутахассисга техника фанлари кандидати илмий даражасини беришга яқдиллик билан қарор қилинди.

**Р. НАЗАРМАТОВ,**
**аспирант.**

# Спорт

## МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказиб келинаётган халқаро турнир ёшлар учун жиддий имтиҳондир. Ана шу кўрикдан муваффақиятли ўтган қобилиятли футболчилар келажакда клубларда, миллий терма командаларда яхши ўйин кўрсатиб мухлисларни қувонтирмоқдалар. Эндиликда анъанага айланиб қолган ва «Тошкент турнири» деб ном олган бундай мусобақаларда иштирок этган Олег Блохин, Леонид Буряк, Виктор Зуев, Александр Хапсалис, Владимир Гуцаев, Давид Муджири, Ромаз Шенгелия, Владимир Федоров, Михаил Ан, Олим Аширов сингари футболчилар мамлакат чемпионати олий лигасида муваффақият билан иштирок этмоқдалар.

Пойтахтимиз ва Тошкент области стадионларида давом этаётган IX халқаро турнир ўйинларини мухлислар катта эътибор билан кузатишмоқда. Биринчи кун бўлиб ўтган тўртта учрашувнинг учтасида чет эл командалари ғолиб келганлигини маълум қилган эдик. Иккинчи кунги ўйинларда ҳам кутилмаган натижалар қайд этилди. «Спартак» стадионида Ўзбекистон футболчилари РСФСР командаси билан учрашдилар. Ўйин Ўзбекистон футболчиларининг ҳужуми билан бошланди. 11 минутда А. Клепиков ҳисобни очган бўлса, 51-минутда С. Горковенко яна бир тўп киритди. Республикамиз футболчилари 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози стадионида СССРнинг биринчи терма командаси билан ГФР футболчилари учрашдилар. Немис футболчилари 2:1 ҳисобида устун келдилар. Венгрия Халқ Республикаси командаси билан СССРнинг иккинчи терма командаси «Қизбрай» стадионида учрашди. Совет футболчилари иккинчи тайм бошланиши биланоқ ҳужумга ўтиб, 2 очконни қўлга киритишди. Улар Финляндия футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғолиб келдилар.

Ўзбекистон футболчилари кучли синашаётган иккинчи группада ҳамма командалар ҳисобида иккитадан очко бор. Республикамиз вакиллари, РСФСР ва Венгрия командалари икки ўйиндан кейин иккитадан очко тўплаган бўлса, ГДР ва СССРнинг иккинчи командалари биттадан ўйин ўтказиб, иккитадан очко тўплашди.

Бугун халқаро турнир қатнашчилари учинчи тур ўйинларини ўтказадилар. «Қизбрай» стадионида Ўзбекистон СССРнинг иккинчи терма командаси билан, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози стадионида Финляндия—ЧССР, «Халқобод» стадионида Украина—ГФР, «Политотдел» стадионида РСФСР—ГДР командалари учрашадилар.

●

### ЮКСАЛИШ БОР-У, ЛЕКИН...

Баскетбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган «Университет» командаси ўтган мавсумга қараганда бу йил анча муваффақиятли қатнашиб, бир неча погона юқорига кўтарилди ва умумий тўртинчи ўринни эгаллади. Лекин спортчиларимизнинг ўзлари ҳам, мухлислар ҳам бу натижадан унчалик мамнун эмаслар. Негаки командамиз олий лигага чиқиш учун ҳаракат қилиб, финалчилар бахсида қатнашиш ниятида эди. Рига шаҳрида ниҳоясига етган иккинчи давра ўйинларида ҳамшаҳарларимиз бешта учрашув ўтказиб, учтасида енгилдилар, иккитасида ғолиб келишди. Риганинг Армия спорт клуби ва Краснодар командалари биринчи иккинчи ўринларни эгаллаб, олий лигада сўнгги ўринларда қолган икки команда билан бир даврада бахслашиш ҳуқуқига эга бўлди.

●

### МАРТ ОИИ МУСОБАҚАЛАРИ

Баҳор ойи спорт мусобақаларига бой. Бир қатор турлар бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида қатнашаётган командаларимиз биринчилик ўйинларини ўтказадилар. Футбол бўйича 42-чемпионатнинг биринчи тур ўйинлари 24-мартда старт олади. Шу куни «Пахтакор» ўз майдонида Москванинг «Торпедо» футболчиларини қабул қиладилар. «Меҳнат» ватерполочилари учинчи давра ўйинларида иштирок этадилар. Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида дзю-до, футбол, самбо, қиличбозлик, шахмат, академик қайиқ ҳайдаш бўйича мусобақалар бўлади. Республикамиз терма командалари, кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари мамлакат биринчиликларида, Бутуниттифоқ турнирларида иштирок этадилар.




КАРБОНАТ АНГИДРИДИ ЎТНИ ЎЧИРАДИ

Яқинда Украина ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида карбонат ангидрид билан ўт ўчирувчи автомашина намойиш қилинди. Совутилган ҳолдаги карбонат ангидридини «қуруқ муз» деб ҳам юритадилар. Буғ ҳолида бўлган «муз» автоцистернадан брезент шланг орқали ловуллаб ёнаётган спирт ,тез ёнувчан моддалардан бирига қарата сепилганда ўтнинг жуда қисқа вақт ичида ўчирилиши амалда исботланди. Қизиғи шундаки, янги метод билан ўт ўчирилганда ёнаётган объектга деярли зарар етказилмайди. «Қуруқ муз» буюм ва нарсаларни сув каби ҳўлламайди, деворларни ювиб кетмайди, мебель ва қоғозларга таъсир этмайди. Айниқса, бундай метод ёнаётган кутубхона, қоғоз складлари ёки бошқа шу каби объектлар учун ўт ўчиришда қўл келади. Деярли саксон градус совуқ бўлган карбонат ангидридининг аэрозоль булути ҳавони бино ичидан сиқиб чиқариб юбориб, ёниш жараёнининг тезлигини пасайтириши ва ҳамма тешик-туйнукларга кириб бориши билан самарали ҳисобланади. Янги ўт ўчириш йўлидан айниқса нефтни қайта ишлаш корхоналари, лакбўёқ саноати, спирт ишлаб чиқариш заводлари кабн ва бошқа объектларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

●

ТЕРКОН

Бу аппарат биноларда керак бўлган температурани ушлаб туришга мўлжалланган. Ундан қурувчиларнинг кўчма уйларида, болалар боғчалари, санаторий ва бошқа ерларда фойдаланиш мумкин. Электриситгич аппаратлари билан биргаликда ишлатилганда «Теркон» электр энергиясининг 25 процентини иқтисод қилиб беради. Аппаратни электр моллари магазинларидан сотиб олиб фойдаланиш мумкин.

●

ЦЕМЕНТ ТАРКИБИДА ПОЛИМЕР

Цемент асбест билан қўшиб ишлатилганда анча пишиқ материал ҳосил бўлиши маълум. эди. Энди цементга полимер бирикмалари қўшиб ишлатиш проблемалари ҳам амалий ҳал қилинди. Асбест ўрнига полипропилен ишлатилганда материалнинг анча енгиллашуви ва чанг бўлмаслиги ҳамда бундай материалдан кенг саноат миқёсида фойдаланиш мумкинлиги инглиз олимлари томонидан исботланди.


Редактор
А. ИСМОИЛОВ.


## Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Актив зона. Бадиий фильм. 1 ва 2 сериялар. 12.25 — Концерт. 12.55 — 14.55 — Янгиликлар. 15.15 — Москва. Пил фасллари. 16.05 — Совет сайлов системаси. 16.35 — Беш йиллик қурилишларида. 17.05 — П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 17.30 — Аср бошида. Бадиий фильм. 18.55 — Дунё воқеалари. 19.10 — Бахтли болалик. 19.55 — Москва шаҳар сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 22.00 — Концерт. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Меҳнат» — «Динамо» (Олмаота). 12.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 18.00 — Ёшлик студияси кўрсатади. 18.30 — 4 март ССР Олий Советига сайловлар. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Опера театрининг солистлари. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Москва. Москва шаҳар сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 22.00 — Антрацит. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент телепрограммаси. 20.30 — Янгиликлар.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/III да **Флория Тоска**, 2/III да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/III да **Келинлар кўзголони**, 2/III да **Шошма**, қуёш!

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/III да **Олифта**, 2/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси**.

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ТУРТ КУЁВ» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг хайрлашув гастроллари (19.30).


БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334868, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; Фотомухбир — 325894.

Р. 07113. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2343.